# ШОҲИМАРДОНЛИК ВА ЁРДОНЛИК ЭҲТИЁЖМАНД ИНСОНЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАРҚАТИЛМОҚДА

Илгари ҳабар қилганимиздек, Фарғона туманида  эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам берила бошланди.Вилоятнинг энг чекка анклав ҳудуди  Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқларида пандемия шароитида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож, «Темир дафтар»га киритилган 84 та эҳтиёжманд оилаларда яшовчи 366 нафар фукароларга  жами 80 млн. 520 минг сўм тарқатиб чиқилмоқда.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПФ-6038-сонли Фармонига асосан оиланинг ҳар-бир аъзосига 220 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам пуллари тарқатилмоқда.Айни пайтда маблағларни эгаларига етказиб бериш тадбирлари давом этмоқда.

**Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2020-08-18 16:37:37